



Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари”  
илмий-тадқиқот маркази

# **ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

илмий мақолалар тўплами

Тошкент-2018

УДК 338(575.1)

**Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш муаммолари.**  
Илмий мақолалар тўплами. – Т.: LESSON PRESS. 2018. -259 б.

Мазкур тўплам Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази ходимларининг ОТ-Ф1-022-рақамли **“Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари”** фундаментал илмий лойиҳа бўйича олинган натижалар ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, илмий ходимлар, талабалар шунингдек, иқтисодиёт тармоғининг тегишли вазирлик ва корхоналар вакиллариининг илмий-тадқиқот ишлари асосида тайёрланган илмий мақолалардан иборат.

**Масъул муҳаррир:** и.ф.д., профессор Д.Қ.Ахмедов

**Таҳририят аъзолари:**

Академик, и.ф.д., проф. Р.А.Убайдуллаева

Академик, и.ф.д., проф. И.И.Искандеров

и.ф.д., проф. Б.Х.Умурзоқов

и.ф.д., проф. Н.Махмудов

и.ф.д., проф. А.С.Усманов

и.ф.д., проф. А.М.Кадыров

и.ф.д. З.Д.Адылова

и.ф.н. А.А.Абдувалиев

Г.Л.Хусаинов

Ушбу илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази Илмий кенгашининг 2018 йил 31 майдаги №6/3-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

Мазкур илмий мақолалар тўплами ГОСТ 7.60-2003 ва ГОСТ 7.5-98 давлатлараро стандартларга мувофиқ расмийлаштирилган, унда чоп этилган илмий ишлар илмий мақолалар ҳисобланади.

Тўпламга киритилган илмий мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасини тўғрилигига ҳамда келтирилган танқидий фикр мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъул.

© ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази, 2018 й.

## МУНДАРИЖА

### 1-СЕКЦИЯ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ

Усманов А.С. Конкуренция и инновационность предприятия .....	6
Махмудов Н.М., Хомидов С.О., Азимова Л.С. Инновацион-инвестицион фаолиятни таркибий ўзгаришларга таъсирини баҳолаш.....	11
Исаджанов А.А. Минерально-сырьевой комплекс узбекистана: опыт и проблемы эффективной деятельности в рамках устойчивого развития.....	19
Зайнутдинов Ш.Н., Муллабаев Б.Б. Корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий асослари.....	24
Касимов М.С. Солиқ ва бюджет тизимида “Солиқ кредит” механизмини қўллаш.....	28
Каримов Ф.П. Инновациялар орқали рақобатдаги устунликка эришишнинг муваффақият омиллари.....	34
Косимова Д.С. Инновационные преимущества в развитии малых предприятий.....	38
Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш инновацион йўналиш....	42
Яхшиева М.Т. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	47
Рустамов Н.И. Саноат тармоғида модернизациялаш тадбирларини самарали амалга ошириш йўллари.....	51
Турсунова Ў.Н. Факторы и пути повышения эффективности производства... ..	56
Набиева Н.М. Хизматлар бозорини ривожланиш истикболлари.....	60

### 2-СЕКЦИЯ. ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Хусаинов Ғ.Л. Инновацион ривожланишни молиялашда қарз қимматли коғозларидан фойдаланиш.....	63
Валиев Б.Б. Ўзбекистонда “рақамли банк” тизимини ривожлантириш истикболлари.....	67
Ахмедиева А.Т. Совершенствование институциональных механизмов лизинговых отношений в Узбекистане .....	71
Бердиназаров З. Инфляция таргетлаш режими – пул-кредит сиёсатнинг янги воситаси сифатида.....	77
Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсатни инновациялар асосида такомиллаштириш масалалари.....	83
Назарбаев О., Маденова Э. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари. Dadaboev T.Y., Mullabaev B.B. Innovative potential of enterprises at the Republic of Uzbekistan and its efficiency .....	87
Султанов М.А. Тижорат банкларида пай фондларини тузиш орқали ресурс базасини ошириш имкониятлари.....	89
Умарова М.Б. Ўзбекистонда банк хизматларини инновацион ривожлантириш йўллари.....	92
Джуманиязов У.И. Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасини молиялаштириш ва кредитлаш амалиёти	97

муаммолари таҳлили.....	101
Abdujabbarova D.A. Problems of innovative development of Uzbekistan's economy.....	106
Муратов Р.Р. Мотивация персонала в банковской системе.....	111

### **3-СЕКЦИЯ. ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ ВА ИННОВАЦИОН**

#### **ФАОЛИЯТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Кадыров А.М. Кластерный механизм повышения конкурентоспособности промышленных предприятий .....	114
Карриева Я.К., Ибрагимов Ф.А. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда кластерларни қўллаш.....	120
Абдувалиев А.А. Худудларнинг ташқи иқтисодий салоҳиятини аниқлашнинг назарий ёндашувлар .....	123
Сатторкулов О.Т. Тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат сиёсати йўналишлари .....	126
Ким Е.Р. Индекс инклюзивного роста – современный показатель оценки экономического развития страны .....	130
Джалалов Ж.М. Стратегическое планирование на предприятиях информационно коммуникационных технологий в Узбекистане.....	135
Акрамова Г.А. Электрон магазиндан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги .....	141
Зокиров Ш.Э. Худудлар иқтисодий салоҳиятининг моҳияти, классификацияси ва таркиби .....	148
Шамсуддинов Н.Н. Перспективы инновационного развития экономики регионов Республики Узбекистан .....	152
Кадыров Т.А. Малые промышленные зоны как инструмент рационального размещения и развития перерабатывающих предприятий в регионах.....	156
Захидов О.М. “Ўзбекэнерго” АЖ корхонасида инвестицион лойиҳаларни самарали бошқариш.....	160
Суннатов М.Н. Инновацион фаолиятда интеллектуал мулкнинг институционал асослари.....	164
Мирзарайимов Д.У. Ўзбекистонда электр энергия истеъмолчини инновацион технологияларни татбиқ қилиш орқали оптималлаштириш.....	169
Махмасобирова N. Innovatsion klasterlar va ularning o‘ziga xos xususiyatlari.....	173
Дехқонов Б.Р. Ресторан бизнесида рақобатдошликни таъминлашда инновацион технологияларнинг аҳамияти (“Liko” тизими фойдаланишнинг афзалликлари).....	178

### **4-СЕКЦИЯ. ИНСОН КАПИТАЛИ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ**

#### **ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Умурзаков Б.Х. Рынок труда и современная методология исследования социально-трудовой сферы Узбекистана.....	184
Алимова Н.Р. Симуляционное обучение в медицине- современная образовательная технология.....	190
Акрамова Ш.Г. Инсон капитали ривожланишининг инновацион иқтисодий шаклланишига таъсири: халқаро жиҳатлари.....	196
Ашурзода Л.М. Актуальные аспекты развития факторов человеческого капитала молодых сотрудников компании .....	200
Қорабоев Н.П. Ўзбекистон миллий иқтисодийида аҳоли даромадининг	

ўсиш суръатлари таҳлили .....	205
Аъзамов Д. Самарқанд вилояти меҳнат ресурсларининг миқдорий кўрсаткичлари таҳлил.....	211
Назарова Ф. Человеческий капитал – как важный фактор инновационного развития национальной экономики .....	216
<b>5-СЕКЦИЯ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>	
Адылова З.Д. Факторы формирования интеграционных научно-образовательных связей в условиях инновационного развития экономики .....	220
Икрамов М.А., Эшматов С.А. Инновацион маркетинг стратегиясини ишлаб чиқариш муаммолари.....	223
Рахимова У.А. Иқтисодий модернизациялаш шароитида олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш йўллари.....	226
Хотамов И.С. Иқтисодий таълимда фикрлаш дизайни .....	232
Исмаилова Н.С., Жоллибеков Х.Б. Блокчейн вскоре всё изменит. Актуальность перехода от классической к цифровой экономике.....	239
Комилов А.Ф. Олий таълим тизимининг йўналишлари самарадорлигини баҳолашга инновацион ёндашув .....	243
Умархўжаева М.Г. Бизнесни давлат ва жамият билан мулоқот фундаменти методологияси – бу кичик бизнес институционал асосини ривожлантириш.....	249
Отакулов М.К., Каримов Ж.М. Инновационно-информационная технология как фактор повышения качества образовательных услуг.....	254
Каримов Х.М. Инновация как фактор интеграция образования, науки и производства в условиях интенсивного реформирования.....	256

5. Hiwatari, M. (2008). Traditions and the informal economy in Uzbekistan: A case study of gaps in the Andijan region. Acta Slavica Iaponica, 25, 43-66.

**Рустамов Н.И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Макроиктисодиёт” кафедраси, катта ўқитувчи**

## **САНОАТ ТАРМОҒИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Саноат тармоғининг кенг кўламдаги имкониятлари туфайли кейинги йилларда мамлакатимизда уни жадал ривожлантиришга кенг эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707- сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора - тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда саноат тармоғини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган муҳим йўналишлардан бири саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ҳисобланади.

“Модернизация” ибораси (французчадан *moderniser* ва инглизча *modernize* - янги, замонавий) янгиланиш деган маъноларни англатади ва замонавий талабларга мувофиқ ҳар қандай ўзгаришларни билдиради<sup>43</sup>.

Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р.Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. У олдинги ўринга техник – иқтисодий муаммоларни қўяди. Р.Нуреевнинг фикрича, “Хўжалиқнинг замонавий тармоқлари мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади”<sup>44</sup>.

Модернизациялашнинг бош мақсади – мавжуд ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқлаштириш, асбоб-ускуналар ва ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, меҳнат шароитларини максимал яхшилаш, и

ш Бу борада Е.Г.Ясиннинг фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг фикрича, модернизация - нафақат жиҳознинг ўзгариши-ю, маҳсулотнинг янгиланиши, балки, мамлакатнинг дунё рақобатбардошлигига бришиши ҳисобланади<sup>46</sup>. “Модернизация” атамаси “иқтисодий ривожланиш” атамасига яқинлиги билан характерланади, бунда ишлаб чиқаришнинг

И Абрамов А. В. Становление теории модернизации и альтернативные концепции общественного развития. Электронный журнал “Вестник Московского государственного областного университета. 2012/3. - 35 с.

<sup>44</sup> Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru>.


<sup>45</sup> Махмудов Э., Рахмонова Ф. Модернизация – стратегический курс страны /Деловой партнер. 08.11.2012 г.

<sup>46</sup> Ясин Е.Г. Модернизация и общество / Е.Г. Ясин // Модернизация экономики и общественное развитие: в. 3 кн. / под ред. Ясина. - Кн. 1. - М., 2007.

ривожланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳамда капитални жамғариш жараёнлари (ресурсларни сафарбарлаштириш) устувор аҳамият касб этади.

“Модернизация” кўпроқ жамиятни ёки муайян бир тизимни янгилаш жараёнларига хос тушунча эканлиги билан ажралиб туради. Жумладан, модернизациялаш масалалари У.Ростоунинг ишларида кенг ўрин эгаллаган<sup>47</sup>.

Саноат ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг бир қатор йўналиш ва инструментлари мавжуд бўлиб, улар 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ва инструментлари<sup>48</sup>**

Модернизация жараёни доирасида одатда иқтисодиётда - товар - пул муносабатларининг кенг ёйилиши, янги илғор технологиялар пайдо бўлиши, бошқарувчилар ва ёлланма ходимларнинг касбий ихтисослашувининг юқори даражасига етиши каби ўғаришлар рўй беради.

Бугунги кунда модернизациялашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд. З.Г. Антонова ва В.И. Лившицларнинг фикрларига кўра, “неоиндустриал модернизация”да кўпроқ иқтисодиётнинг янги технологик соҳаларининг ривожланиши, биотехнология, нанотехнология, асбобсозлик, машинасозлик тараққий этиши, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши (саноат ишлаб чиқаришда қайта ишлаб чиқаришнинг улуши, инновацион маҳсулотнинг улуши, тадқиқотлар ва ишланмаларга умумий харажатларнинг ЯИМдаги улуши), бундай модернизациялашда кўпроқ илм талаб соҳалар ва миллий иқтисодиёт юқори технологик тармоқларининг ривожланиши характерли эканлиги, шу билан бир қаторда мамлакат инфратузилмасининг ҳам тараққий этиши, шунингдек, модернизация тушунчаси инновацион ривожланиш тушунчасига нисбатан кенг тушунча эканлиги таъкидланади<sup>49</sup>.

<sup>47</sup> Мартинелли А. Глобальная модернизация. Переосмысливая проект современности.- СПб., 2006. С. 64 - 65.

<sup>48</sup> М.Исаков, Я. Алиев. “Индустриал иқтисодиёт” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент -2017 й.

<sup>49</sup> Антонова З.Г., Лившиц В.И. Неоиндустриальная модернизация в современной России. Известия Томского политехнического университета. 2013. Т. 323. № 6. С. 34 - 39.

Иқтисодийни модернизациялаш стратегиясининг муҳим элементларидан бири бу – ғарб технологияларини ўзлаштиришдир<sup>50</sup>. Ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга нисбатан ягона афзалликка - улар яратган институтлар, янги технологиялар ва хўжалик юритиш усулларини ўзлаштириш имкониятига эгадирлар.

Модернизациялашнинг мақсади – иқтисодийнинг замонавий моделини шакллантиришдан иборатдир<sup>51</sup>. Унинг йўналишлари: ишлаб чиқаришнинг эскирган базасини техник янгиланиш, иқтисодий таркибини қайта шакллантириш (хом ашё тармоқлари улушини қисқартириш), иқтисодий ривожланишда катализатор бўла оладиган саноат тармоқлари улушини ошириш (илмталаб, юқоритехнологик тармоқларни тараққий эттириш орқали инновацион ривожланишни шакллантириш). Бундай модернизациялаш шароитида иқтисодийнинг замонавий моделини шакллантириш жараёни, инновацион қайта шаклланиш (модернизация механизми) ҳамда жамиятда сифат ўзгаришлари юз беради<sup>52</sup>.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин оширишга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Модернизациялаш бўйича мамлакатимиздаги дастурларда етакчи саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш тадбирлари белгиланган.

Мамлакатимиздаги ипакчилик саноати тармоғининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи “Вухоро Brilliant Silk” қўшма корхонаси мисолида ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида технологияларни янгилаш даражасини баҳолаш ва бунда мутахассислар фикри келишувчанлиги усулларидан фойдаланиб, корхонада дастгоҳларни алмаштириш тадбирларини таҳлил қилдик. Техникани янгилаш даражасини баҳолашда янги техника нақадар илғор ва у қандай самара беради деган саволга жавоб бериш муҳим ҳисобланади.

Янги техниканинг афзалликлари қуйидаги кўрсаткичлар орқали ҳисобланди:

1) Эски ва янги техникаларнинг ўлчовларини таққослаш:

$R_1$  ва  $R_0$  – янги ва эски машина узунлиги,

$G_1$  ва  $G_0$  – янги ва эски машина кенглиги,

$E_1$  ва  $E_0$  – янги ва эски машина баландлиги.

2) қувватларни таққослаш:

$V_1$  ва  $V_0$  – янги ва эски техника қуввати,

$W_1$  ва  $W_0$  – янги ва эски техника унумдорлиги.

3) Хизмат кўрсатиш сиғимини таққослаш:

$T_1$  ва  $T_0$  – хизмат кўрсатишнинг меҳнат сиғими.

<sup>50</sup> Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. // Вопросы экономики, №6, 2009. С. 19 - 23.

<sup>51</sup> Попова Е. В. Основные направления модернизации российской экономики // <http://bujet.ru/article/98452>.

<sup>52</sup> Макарова И. В. Потенциал модернизации машиностроительного комплекса региона: Монография / Отв. ред. О. А. Романова. Екатеринбург, 2010. С. 23 - 24.



Ҳисоблашлар қуйидаги формулалар орқали олиб борилди:

$$\eta = |\eta_1| + |\eta_2| + \dots + |\eta_n|, \eta$$

Бу ерда:  $\eta$  – янгилаш даражасининг умумий баҳоси;

$\eta_1$  – ўлчовлар бўйича янгиланиш даражаси, у қуйидаги формулалар орқали аниқланади<sup>53</sup>:

$$\eta_1 = \sum \left[ \left(1 - \frac{R_1}{R_0}\right) + \left(1 - \frac{G_1}{G_0}\right) + \left(1 - \frac{E_1}{E_0}\right) \right];$$

$\eta_2$  унумдорлик бўйича янгиланиш даражаси:

$$\eta_2 = \sum \left[ \left(\frac{V_1}{V_0} - 1\right) + \left(\frac{W_1}{W_0} - 1\right) \right];$$

$\eta_3$  - меҳнат сифими бўйича янгиланиш даражаси:

$$\eta_3 = \sum \left[ \left(\frac{T_1}{T_0} - 1\right) \right];$$

Бу кўрсаткичлар аниқлагандан кейин уларни мутахассислар фикридан келиб чиққан ҳолда янгилашнинг аҳамиятлилик даражаси аниқланди. Мутахассислар фикри келишувчанлиги юқори бўлган ҳолларда таҳлил натижалари ишончли бўлади. Мутахассислар фикрининг келишувчанлиги конкордация коэффиценти ( $W$ ) орқали ҳисобланади:

$$W = \frac{12S}{m^2(n^3 - n)};$$

Бу ерда:  $m$  – баҳоланган вариантлар сони;

$n$  – мутахассислар сони;

$S$  – ранглар (табақалар) йиғиндининг умумий квадрати ва мутахассислар баҳоларининг йиғиндисининг ўртача квадрати ўртасидаги фарк:

$$S = O - C/Ч;$$

Бу ерда:  $O$  – умумий баллар квадратларининг йиғиндиси ;

$C$  – мутахассислар баҳолари йиғиндисининг квадрати;

$Ч$  – мутахассислар сони.

Конкордация коэффиценти  $0 < W < 1$  ораликда бўлади.

$W < 0,3$  бўлса, мутахассислар фикри келишувчанлиги кониқарсиз;  $0,3 < W < 0,7$  бўлса ўртача,  $W > 0,7$  бўлса, мутахассислар фикри келишувчанлиги юқори ҳисобланади.

**1-жадвал**

**Корхонада конкордация коэффиценти ҳисоблаш<sup>54</sup>**

	$R_1$	$R_2$	$R_3$	Қаторлар йиғиндиси	Қаторлар йиғиндисининг квадрати
<b>1-технология</b>	2	2	2	6	36
<b>2-технология</b>	1	2	2	5	25
<b>3-технология</b>	5	5	5	15	225
<b>4-технология</b>	3	3	2	8	64
<b>5-технология</b>	4	4	4	12	144
	<b>Жами</b>			<b>46</b>	<b>494</b>

<sup>53</sup> Инновационный менеджмент. Учебник Под. ред. С.Д. Ильенковой. М.:“ЮНИТИ-ДАНА”, 2007. –с.224.

<sup>54</sup> Муаллиф ишланмаси.

$$S = 494 - 46^2/5 = 70,8$$

$$W = \frac{12 \cdot 70,8}{9 \cdot (125 - 5)} = 0,786$$

Ҳисоблаш натижаларидан кўриш мумкинки, технологияни алмаштириш бўйича мутахассислар фикри келишувчанлиги 0,7 дан юқори, яъни технологияни алмаштириш бўйича тўғри қарор қилинган.

Юқоридаги баҳолаш усулларидан келиб чиқиб, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги “Vuxoro Brilliant Silk” кўшма корхонасида мутахассисларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда корхонада илгари ишлатиб келинган Хитойдан келтирилган GT-601 тўқиш технологиялари Италиядан келтирилган ИТЕМА R-9500 маркали технологияларга алмаштирилди. Бу тадбирни амалга ошириш учун корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан 2,5 млн. АҚШ доллари сарфлангани ҳолда корхонанинг рентабеллиги 12,5 фоизга ошишига эришилди.

Бу каби усуллардан фойдаланиб, саноатнинг барча тармоқларида технологияларни янгилаш тадбирларининг самарали амалга оширилиши мамлакатимиз саноатида модернизациялаш жараёнларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абрамов А. В. Становление теории модернизации и альтернативные концепции общественного развития. Электронный журнал “Вестник Московского государственного областного университета. 2012/3. - 35 с.
2. Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru>.
3. Махмудов Э., Рахмонова Ф. Модернизация – стратегический курс страны /Деловой партнер. 08.11.2012 г.
4. Ясин Е.Г. Модернизация и общество / Е.Г. Ясин // Модернизация экономики и общественное развитие: в. 3 кн. / под ред. Ясина. - Кн. 1. - М., 2007.
5. Исаков М., Алиев Я. “Индустриал иқтисодиёт” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент -2017 й.
6. Антонова З.Г., Лившиц В.И. Неоиндустриальная модернизация в современной России. Известия Томского политехнического университета. 2013. Т. 323. № 6. С. 34 - 39.